

**Кредит қайтмаслик хатаридан
(тадбиркорлик хавфини) суғурталаш тўғрисида**

«1» июл 2024 й.

БОШ КЕЛИШУВ 01/80/1/047

Тошкент ш.

«MY-INSURANCE» АЖ суғурта компанияси номидан Устав асосида иш юритувчи жамият Бош директори М.Б.Кўчаров (кейинчалик матнда **«Суғурталовчи»** деб аталувчи) бир томондан ва

«Агробанк» АТБ номидан 2024 йил 10-майдаги 03-19/207-сонли ишончнома асосида иш юритувчи Бошқарув раисининг ўринбосари Ф.Б.Насриев (кейинчалик матнда **«Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи»** деб аталувчи) иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» ва алоҳида «Томон» деб аталувчилар кредит қайтмаслик хатаридан (тадбиркорлик хавфини) суғурталаш юзасидан қуйидаги Бош келишувни туздилар:

1. Мазкур Бош келишувга асосан Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи/наф олувчига, унинг ҳудудий бошқарма ва филиаллари томонидан жисмоний шахсларга ажратилаётган кредитлари бўйича кредит маблағларини қайтмаслик хатаридан суғурталаш ҳимоясини тақдим этади.

2. Ушбу Бош келишув амал қилиш даврида «Суғурталовчи» суғурталовчига суғурта мукофоти тўланиши шарти билан «Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи»нинг, унинг филиаллари томонидан жисмоний шахсларга кредит махсулотларини бериш жараёнидаги қарз олувчиларга ажратилган кредитларнинг банкка қайтмаслик хатаридан (тадбиркорлик хавфини) суғурталаб, суғурта ҳодисаси содир бўлганида «Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи»га суғурта товонини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

3. Тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит маблағларини қайтмаслик хатарини суғурталаш шартлари мазкур Бош келишувга илова қилинган Кредит қайтмаслик хатаридан (тадбиркорлик хавфини) суғурталаш шартномаси (умумий суғурта соҳасининг 14-классига мувофиқ жисмоний шахслар бўйича) шартлари асосида амалга оширилади. Ушбу намунавий шартномага қўшимча ва ўзгартириш киритиш томонларнинг розилиги билан ёзма шаклда амалга оширилади.

4. Томонлар Кредит қайтмаслик хатаридан (тадбиркорлик хавфини) суғурталаш шартномасида қуйидаги шартномавий муносабатлар, хусусан: суғурта пули, суғурта мукофоти, суғурта ҳодисаси, суғурта товони тўлаш шартлари, суғурта шартномасининг амал қилиш ва бекор қилиш тартиблари, суброгация, қўшалок суғурта, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлигини белгилаш юзасидан ўзаро келишиб олдилар.

5. Кредит қайтмаслик хатаридан (тадбиркорлик хавфини) суғурталаш шартномаси «Суғурталовчи», «Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи» ва «Қарз олувчи» ўртасида уч томонлама имзоланади.

6. Тасдиқланган суғурта шартнома намунаси Агробанк АТБнинг «Кредит Конвеери платформаси»га жойлаштирилади, банк филиали, суғурта ташкилоти ва қарз олувчи томонидан электрон тарзда имзоланади.



7. Суғурта бўйича оммавий оферта шартномаси мижоз томонидан акцеплангандан сўнг автоматик равишда ажратилаётган кредит маблагининг даврийлигига қараб 2 йилга 2%, 3 йилга 2,5% ва 4 йилга бўлган давргача 3 % фоизи миқдорида суғурта мукофоти Суғурталовчининг «Агробанк» АТБ "Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси"даги МФО:00394, х/р: 20208000804786066094 банк ҳисобварағига ўтказиб берилади.

8. «Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи» суғурта масалалари бўйича «Суғурталовчи»дан маслаҳатлар олиш, банк филиали ва суғурта ташкилоти филиали ўртасида суғурта товони тўлаш масаласида келиб чиққан низони музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этиш, мазкур Бош келишувга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш таклифини бериш ҳуқуқига эга.

9. «Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи» банк филиаллари томонидан «Суғурталовчи»га суғурта товони тўлаш учун тақдим этиладиган ҳужжатларнинг ўз вақтида ва шартнома шартларига кўра тақдим этилишини назорат қилиб боради.

10. «Суғурталовчи» уч томонлама тузилган суғурта шартномаларига мувофиқ Суғурта мукофотини олиш, қарздор хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатини ўрганиш, товон тўлаш учун тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш ва ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

11. «Суғурталовчи» филиаллари томонидан тузилган уч томонлама шартнома шартларига асосан суғурта полиси берилиши, суғурта қилдирувчи ёки қарздорга тушунтириш ишлари, келишилган миқдор ва муддатда суғурта товони тўлови амалга оширилишини назорат қилади.

12. Суғурта шартномаси шартларига кўра, суғурта ҳодисаси деб тан олиниши мумкин бўлган воқеа содир бўлса, «Агробанк» АТБ Бош офиси томонидан воқеа содир бўлганидан бошлаб 30 (ўттиз) иш куни ичида ўзига маълум ҳолатлар ва сабабларни кўрсатган ҳолда «MY-INSURANCE» АЖ суғурта компанияси Бош офисига ёзма равишда хабар берилади.

13. Томонлар ушбу келишув амалда бўлган муддатда олинган ахборотларни сир сақлаш мажбуриятини оладилар, бундан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат идораларига ахборот тақдим этиши шарт бўлган ҳолатлар мустасно.


14. Мазкур келишув ва намунавий суғурта шартномаларида кўрсатилмаган ўзаро муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

15. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиққан баҳслар ёки келишмовчиликлар музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади, уларни ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда жавобгар жойлашган ҳудуддаги судга мурожаат қилинади.

16. Томонлар коррупцияга оид ҳатти-ҳаракатлар содир этилганлиги юзасидан тегишли органларга хабар беришлари лозим.

17. Томонлар юридик манзил ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бу ҳақда ўзгариш санасидан бошлаб 10 календарь кундан кечиктирмай хабар қилишлари шарт.

18. Мазкур Бош келишув имзоланган санадан бошлаб 1 йил давомида амал қилади, келишувга қўшимчалар ва ўзгаришлар киритиш томонларнинг розилиги билан ёзма шаклда амалга оширилади.



Томонлар ушбу Бош келишув муддати тугашидан 1 ой олдин келишувга қўшимчалар ва ўзгаришлар киритиш ёки уни амал қилиш муддатини тугаган деб эълон қилиш тўғрисида бир бирларини ёзма равишда хабардор қилмасалар келишув юқоридаги шартларга мувофиқ яна 1 йил муддатга узайтирилган деб ҳисобланиши тўғрисида келишиб олдилар. Бундай узайтиришларнинг сони чекланмайди.

19. Бош Келишув ўзбек тилида 2 (икки) нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга ҳисобланади ва томонларга бир нусхадан берилади. Бош келишувга илова қилинган суғурта шартномаси мазкур келишувнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

“MY-INSURANCE” АЖ

Манзили:

Тел.:

Х/Р:

Банк:

МФО

СТИР

КТУФ

ST «MY INSURANCE» AJ
Toshkent sh. Mirabod t. K. Mirabod ko'chasi 95-uy TEL. (71) 205-19-19
MFO: 00450 INN: 207 002 342, IFUT: 65120
«Milliy Bank» AJ Sayohat BXM
X/R: 2020 8000 1047 8606 6001
X/R: 2020 8840 1047 8606 6005

Бош директор

М.Б.Кўчаров

М.У.

“Агробанк” АТБ

Манзили:

Тел.:

Х/Р:

Банк:

МФО

СТИР

КТУФ

“Agrobank” ATB
100011. Toshkent shahri, Shayxontohur tumani,
Batir Zokirov ko'chasi, 2a-uy Tel.: (71) 202-80-08
MFO: 29802 000 300 001 140 002
STIR: 207 243 390 OKED: 64190
SWIFT: PAKHUZ22

Ф.Б.Насриев